

BAS MAQALA

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

Қодиров Қувондиқ Айтбаевич – педагогика фанлари доктори (DSc)

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти биринчи проректори

«Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади».

Шавкат Мирзиёев,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Миллатлараро тотувлик – тараққиётимизнинг мустаҳкам пойдевори

Дунё тарихида давлатлар қудратини белгилаган омиллар кўп бўлган. Айримлари табиий бойликларга таянган, айримлари ҳарбий салоҳият билан юксалган, яна бошқалари иқтисодий имкониятлари билан ажралиб турган. Бироқ, тарихнинг энг муҳим сабоқларидан бири шундан иборатки, ҳеч бир бойлик ва қудрат жамият ичидаги бирлик ва ҳамжиҳатликнинг ўрнини боса олмайди.

Бугунги глобллашув даврида бу ҳақиқат янада яққол намоён бўлмоқда. Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган можаролар, миллатлараро низолар ва диний қарама-қаршиликлар кўпинча иқтисодий муаммолардан эмас, балки жамиятдаги ўзаро ишончнинг заифлашуви, бирдамликнинг йўқолиши оқибатида юзага келаётганини кўрмоқдамиз.

Бундай таҳликали шароитда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли, аввало, тинчликни асраш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ва инсон қадрини улуғлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Бугун бизнинг энг катта бойлигимиз нефть ёки газ захиралари эмас. Энг катта бойлигимиз – тинчлигимиз, аҳиллигимиз, бирдамлигимиздир ва оғизбирчилигимиздир.

Инсон қадри ва миллатлараро тотувлик – Янги Ўзбекистоннинг қўш таянчи

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг марказида инсон қадри турибди. Инсон қадрини улуғлаш эса фақат иқтисодий фаровонлик ёки ижтимоий ҳимоя билан чекланмайди. Бу, аввало, фуқароларнинг миллати, тили, дини ва этникодидан қатъи назар тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлишини таъминлашни англатади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда. Турли миллий маданий марказлар, дўстлик жамиятлари, маданий-маърифий муассасалар халқлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, миллатлараро тотувлик бугун давлат сиёсатининг алоҳида йўналиши эмас, балки барча ислохотларнинг ички мазмунига айланган.

Чунки тараққиётнинг асосий шарты – ижтимоий барқарорлик.

Ижтимоий барқарорликнинг асосий омили эса – фуқаролар бирдамлигидир.

Қорақалпоғистон тажрибаси: асрлар синовидан ўтган аҳиллик

Миллатлараро тотувлик ҳақида сўз борганда, Қорақалпоғистон Республикаси тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқ.

Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган ушбу заминда қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, туркман, рус, корейс, татар ва бошқа 30дан ортиқ миллат вакиллари асрлар давомида бир-бирининг қувончи ва ташвишини баҳам кўриб, аҳилликда яшаб келмоқда.

Бу ерда қўшничилик муносабатлари миллат билан эмас, инсонийлик билан ўлчанади. Турли миллат вакиллари бир маҳаллада истиқомат қилади, фарзандлари бир мактабда таҳсил олади, биргаликда меҳнат қилади, умумий мақсадлар йўлида бирлашади.

Қорақалпоқ халқининг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги ҳудуднинг ўзига хос маънавий қиёфасини шакллантирган. Айнан шу фазилатлар туфайли Қорақалпоғистон бугун ҳам кўп миллатли ва аҳил жамиятнинг ёрқин намунасига айланган.

Кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, жамиятдаги бирдамликни янада кучайтирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг: «Қорақалпоғистоннинг тақдири – бу Ўзбекистоннинг тақдири», – деган тарихий сўзлари эса халқимиз қалбида чуқур акс-садо берди. Бу нафақат сиёсий баёнот, балки ягона Ватан, ягона тақдир ва умумий масъулият ғоясининг амалий ифодасидир.

Ёшларга онгини эгаллашга қаратилган курашлар кучаймоқда

Бугун жаҳонда ғоялар кураши тобора кескинлашмоқда. Айрим кучлар интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшлар онгига таъсир кўрсатишга уринмоқда. Миллий ва диний адоватни кўзғатиш, тарихий ҳақиқатларни бузиб талқин қилиш, фуқаролар орасида ишончсизлик муҳитини шакллантиришга қаратилган уринишлар кўпаймоқда.

Бундай вазиятда ёшларни нафақат билимли, балки мустақил фикрлайдиган, мафкуравий жиҳатдан бардошли, Ватан тақдирига дахлдор инсонлар қилиб тарбиялаш долзарб вазифага айланмоқда.

Айниқса, педагогика олийгоҳлари зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Чунки, бугунги талаба эртанги ўқитувчидир.

Эртанги ўқитувчи эса минглаб ёшларнинг дунёқарашига таъсир кўрсатади.

Педагоглар – жамият тарбиячиси

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти фаолиятида ҳам айнан шу масалага устувор аҳамият қаратилмоқда. Бугунги кунда институтда 13 мингдан зиёд талаба-ёшлар таҳсил олаётган бўлиб, таълим муассасасида қорақалпоқ, ўзбек, козок, туркман, рус, украин, корейс, қирғиз, тожик, озарбайжон, бошқирд, уйғур ва татар каби жами 11 миллатга мансуб талабалар бир оиланинг фарзандларидек, аҳилликда таълим олмоқда.

Биз талабаларга фақат касбий билим бериш билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Келажак педагогларида фуқаролик масъулияти, бағрикенглик маданияти ва Ватанга садоқат туйғуларини шакллантириш ҳам энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Шу мақсадда институтда маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, спорт ва маданий тадбирлар мунтазам ташкил этиб келинмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида олий таълим муассасалари нафақат малакали кадрлар тайёрлайдиган маскан, балки ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялайдиган маънавият ўчоғи сифатида ҳам муҳим ўрин тутати.

Талаба-ёшларнинг дунёқараши, фуқаролик позицияси ва ижтимоий масъулияти айнан талабалик йилларида шаклланади. Шу боис олий таълим тизимида ёшларни миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, Ватанга садоқат ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар ойнинг ўн бешинчи санасида институт факультетлари кесимида ташкил этиладиган миллатлараро ҳамжиҳатлик фестивали турли ҳудудлардан, турли миллат вакилларида иборат талабаларнинг бир жамоада таҳсил олиши, ўзаро

фикр алмашиши ва ҳамкорликда фаолият юртиши уларни умумий мақсадлар сари бирлаштиради.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, яқинда институтда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган талаба-ёшлар иштирокида ўтказилган «Дўстлик фестивали» турли ҳудуд ёшларини янада жипслаштиришга, ҳудудлараро ва миллатлараро яқинликни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Фестиваль давомида ёшлар Қорақалпоғистоннинг бой маданий мероси, халқимизнинг меҳмондўстлик анъаналари ва бағрикенглик қадриятлари билан яқиндан танишдилар.

Бу каби тадбирлар талабаларда умумий Ватан туйғусини кучайтиради, уларни бирлаштирадиган омиллар фарқлардан кўра кўпроқ эканини англашга ёрдам беради.

Тинчлик – мерос эмас, масъулият

Баъзан ёшлар тинчлик ва осойишталикни табиий ҳолат деб қабул қилади. Аслида эса тинчлик улкан меҳнат, оқилона сиёсат ва жамиятнинг умумий масъулияти эвазига таъминланади. Уни сақлаб қолиш учун ҳар бир авлод ўз хиссасини қўшиши керак.

Бугун бизнинг асосий вазифамиз – ёшлар қалбида Ватан тақдирига дахлдорлик хиссини кучайтириш, уларга бирдамликнинг қадрини англашиш ва миллатлараро тотувликнинг бебаҳо неъмат эканини тушунтиришдан иборат.

Чунки, нафақат иқтисодиёт, нафақат сиёсат, нафақат замонавий технологиялар, балки жамиятдаги ўзаро ишонч ҳам давлат тараққиётининг муҳим омилдир.

Келажак бирдамлик билан бунёд этилади

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистон олдига улкан мақсадлар қўйилган. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, таълим ва илм-фанни ривожлантириш, рақобатбардош иқтисодиёт барпо этиш, халқ фаровонлигини ошириш каби вазифаларни фақат аҳил ва бирдам жамиятгина муваффақиятли амалга ошира олади.

Айниқса, зиёлилар, педагоглар ва ёшлар бу борада жамиятнинг етакчи кучи бўлиши керак. Зеро, тарих шуни кўрсатадики, бирдам халқни ҳеч қандай синов енга олмайди.

Тинчликни асраш, тотувликни мустаҳкамлаш ва фарзандларимизни ана шу қадриятлар руҳида тарбиялаш – бугунги авлод зиммасидаги энг шарафли ва масъулиятли вазифадир.

Чунки, Янги Ўзбекистоннинг буюк келажаги иқтисодий кўрсаткичлар ёки улкан бинолардангина эмас, энг аввало, халқимизнинг ўзаро ҳурмати, ишончи ва мустаҳкам бирдамлиги билан белгиланади.

Бугунги кунда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг ёрқин намуналари нафақат

ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, балки спорт майдонларида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг тарихда илк бор жаҳон чемпионати финал босқичига йўл олгани кўп миллатли Қорақалпоғистон аҳлини ҳам чексиз қувонч ва фахр туйғуларига чулғади. Юртимизнинг турли миллат ва элат вакиллари бир мақсад – Ватан шарафини ҳимоя қилаётган терма жамоамизни қўллаб-қувватлаш йўлида яқдил бўлиб бирлашмоқда. Айниқса, “Оқ бўрилар”га билдирилаётган кенг қўламли эътибор ва самимий тилаклар нафақат Марказий Осиё, балки бутун мусулмон давлатлари халқлари томонидан ҳам давом эттирилаётгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу эса муштарак тарих, тил, маданият ва кадриятлар билан боғланган халқлар

ўртасидаги дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганини, спорт эса инсонларни бирлаштирувчи бекиёс куч эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Хулоса ўрнида алоҳида таъкидлаймизки, бугунги жадал суръатлар билан ривожланаётган глобал дунёда ҳар биримиз, айниқса, илм аҳли, зиёилар - ўз фаолиятимиз ва ҳаётий позициямиз орқали мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсатни тўлақонли амалга ошириш борасида ибрат бўлишимиз, ёшларимизни муқаддас юртимизга бўлган садоқат ва эртанги буюк келажагимизга бўлган ишонч руҳида ҳамда ягона Ватан учун хизмат қилишлик каби эзгу амаллар орқали тарбиялаш – барчамизнинг муқаддас вазифамиздир.